

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 ноябр куни Белгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Деханенинг таклифига биноан расмий таширф билан ушбу мамлакатга жунаб кетди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Уэлс шаҳзодаси Чарлз ҳазрати олийлари 12 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасига таширф буюриб Орол муаммоларига бағишланган давра суҳбатида иштирок этди.

Уэлс шаҳзодаси шу куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги элчихонаси расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазир уринбосари Виктор Чжен, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар қатнашди. Шундан сўнг шаҳзода Чарлз ҳазрати олийлари Темурийлар тарихи давлат музейига таширф буюриб, буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатларни томоша қилди. Музейнинг фахрий меҳмонлари китобига дастхат қолдирди.

● Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун мамлакатимизга таширф буюрган Москва ва бутун Русия патриархи Алексий Иккинчи 12 ноябр куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасига таширф буюрди.

● 12 ноябр куни Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонасида «Эркин иқтисодий ҳудудлар ва Ўзбекистонда уларни ривожлантиришда Товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатасининг ўрни» мавзусидаги халқаро семинар якунланди.

Ушбу ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёарланди

Республикаимиз ва хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларига 1997 йил учун обуна давом этмоқда, жумладан, сизнинг сеvimли газетангиз «Оила ва Ҷамият»га ҳам. Агар Сиз энг кўнгилочар мақолалар, қизиқарли хабар ва маслаҳатлардан беҳабар қолмай десангиз «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» газетасига обуна бўлинг. «Оила ва Ҷамият» ҳеч қачон панд бермайди.



УШБУ СОҒЛОМ:

3-БЕТ:

ТИЛАГАНЛАР МУРОДИГА ЕТАДИ

«Жамики яхши ва ёмон, гуноҳ ва савоб ишларнинг аввалида тилак, ният туради. Одам наинки бошқаларга, балки ўзига ҳам ҳамиша яхши тилаклар, дуолар қилиши керак...»

4-БЕТ:

ЎЗЖИМИЛАНГАН ХАТ

(шоҳеий ҳикоя)

«Ассалому алайкум Раҳим ака! Аввало соғлигингиз яхшими? Ишлар билан чарчамасдан юрибсизми? Раҳимжон ака, мени кечиринг, энди барибир Ёзмасам бўлмайди, сизни алдашни ўзимга эп билмаяпман. Анчадан бери сизга хат ёзмай юрганимнинг сабаби бир ҳафта олдин мени... мени унаштиришди...»

6-БЕТ:

«АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ МУСУЛМОНМАН»

«Топволдининг ёниб қарашлари мовий кўз Лиданинг юрагига чўг ташлади. Ўзбекона расм-русумларни бажо келтириб, бир чиройли келинчақ бўлди...»

КОРХОНА,
ТАШКИЛОТ,
ХЎЖАЛИК, ФИРМА
РАҲБАРЛАРИ ВА
ОБУНА
ТАШКИЛОТЧИЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва Ҷамият» таҳририяти ва масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти 1997 йил учун «Оила ва Ҷамият» газетаси обунасини намунали ташкил этган ташкилот, корхона, хўжалик, фирма раҳбарлари ва жамоатчи ташкилотчилар учун қўйидаги мукофотларни таъсис этади:

- I ўрин — ДЭУ телевизор
- II ўрин — ДЭУ чанг юттичи
- III ўрин — 10 минг сўм пул мукофоти.

Обунани уюштиришга шошилинги!



Муассисларимиз фаолиятдан

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

Яқинда Сирдарё тумани хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Сирдарё» ширкатлар уюшмасидаги Ҳақиқат қишлоғида мазмунли, эсда қоларли кеча бўлиб ўтди. Кеча «Қайнона ҳам она» деб номланди. Кечага ҳўжалик бўлимларида яшовчи қайноналар, келинлар, ёш қизлар, қўшни жамоадан меҳмонлар таклиф этилди.

Кечада туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Аширматова оила инوқлигида қайнона-келин муносабати, қизларни турмушга тайёрлашда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маъруза қилди. Мамлакатимизга соғлом, маънавий етук авлодлар зарурлигини таъкидлади.

Ҳақиқат қишлоғининг кекса онахони Жумагул момо қайнона ва келинларнинг ўзаро тотув бўлишлари учун нималарга аҳамият бериш кераклиги ҳақида ёшларга насихат қилди, йўл-йўриқ кўрсатди, масла-

ҳатини аямади. Сўнгра маҳалла келинларига турли қизиқарли, ҳаётий саволлар билан мувожаат этди. Булар ичида «Қайнонага ҳозиржавоб бўлиб жавоб қайтарган маъқулми ёки шошилмай жавоб берган тўғрими?», «Сизнингча қайнона қандай бўлиши зарур?», «Қайнонанингизнинг жаҳли чиқиб турган пайтида нима қиласиз?», «Сиз бир иш қилаётганингизда қайнонанингиз бошқа иш буюрса, нима қилган бўлардингиз?» каби саволлар бор эди.

Савол-жавобларда қишлоқ келинларидан Наргиза Нишоновна, Зулфия Мухлиббоева, Азиза Ярашева, Муҳаббат Ҳайдарова, Феруза Наҳалова, Зулфия Оқтоева, Барно Нишоновна, Наргиза Қорабоевалар фаол қатнашиб, ҳаётий тажрибага эга эканликларини кўпчиликлари намойиш этишди. «Қайнона ҳам она» деб номланган кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
Сирдарё тумани

ВИЛОЯТ ҲОТАМТОЙИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мамлакат бўйича қатор хайрли ишларни амалга ошираётган катта куч эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Жумладан, жамғарманинг биргина Қашқадарё вилояти бўлимидаги ишлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Маълумки, пахта йиғим-теримини якунлаш, белгиланган режани тез суръатлар билан бажариш учун халқимиз зўр шижоат билан меҳнат қилмоқда. Ушбу ҳашардан кўп қатори жамғарманинг вилоят бўлими ҳам четда қолмапти. Нишон ва Баҳористон туманларига ёрдамга чиққан ўқувчи, талабаларга ун минг сумлик дори-дармон тарқатилди.

Жамғарманинг Қашқадарё вилоят бўлими директор уринбосари Галина Маҳмудова биз билан суҳбатда қуйидагиларни сузлаб берди:

— Бутунги кунда Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Усмон Юсупов, Касби, Нишон ва Муборак туманларида таянч пунктларимиз ишлаб турибди. Шаҳрисабздаги оналар ва болаларга муҳалланган 14 уринли Паҳлавон тиббиёт маркази ишидан кўпчилик мамнун.

«Амбуланс» машинаси билан аҳолини қуриқдан ўтказиб чиқдик. Янги ўқув йилининг бошида «Амбуланс» ёрдамида Қаршидаги Чармтар ва Қорлиқ маҳаллалари қуриқдан ўтказилиб, кам таъминланган оилалар аниқланди ва уларнинг болаларига жами 7000 сумлик кийим-кечак тарқатилди.

Жамғармамиз олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ишни йўлга қўйди. Шу йил май ойидан бошлаб вилоят бўйича битта университет талабасига 500 сум, 5 та мактаб ўқувчисига 300 сумдан стипендия тайинладик. Кам таъминланган оилаларнинг аъло баҳоларга ўқувчи фарзандлари шу кунгача бу стипендияларни ойма-ой олиб туришибди.

Яқинда бизга Германиядан инсонпарварлик ёрдами келди. Ушбу хайрия ҳам тез кунда таянч пунктларимиз орқали ўз эгаларини топади. Ночор оилалар ҳақида хабар топдикми, дарҳол ёрдам қўлини чўзамиз. Шунинг учунми баъзилар ҳазил қилишиб бизни Ҳотамтойга қийслашди.

Ботир ЭРНАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти

МАЪРИФАТПАРВАР
ДЕҲҚОННИНГ
САХОВАТИ

Келажаги буюк давлатни барпо этиш ҳозир мактаб партасида ўтирган ёшлар зиммасига тушади. Бугун улар олаётган таълим-тарбия эртанги кун тақдирини билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда зивилларимиз кўп ва ҳўп гапирмоқдалар. Биз улардан ошириб бир нима дея олмаймиз. Навоий туманидаги «Қаҳрамон» деҳқон-фермер ҳўжалигининг саркори Абдулла Жўраев эса Президентимизнинг даъватига биринчилардан бўлиб «лаббай», деб жавоб берди. Маълумки юртбошимиз ўзининг нутқ ва маърузаларида тарбия масканларига эътибор бериш зарурлигини қайта-қайта ўқдирмоқда. Абдулла Жўраев юртбошимизнинг кўюнчалик билан айтган сузларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилди.

Гап шундаки, Абдулла ака яшайдиган Дўрмон қишлоғида бундан 3 йил олдин мактаб қурилиши бошланиб, маблағ етишмаслиги, қурилиш материалларининг тақчиллиги туфайли тўхтаб қолганди. Абдулла аканинг кўнглида ана шу мактаб биносини қуриш истаги пайдо бўлди. У бу истагини «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги раисига айтди.

— Шу мактабни бир амаллаб битирсак деган таклифим бор — деди Абдулла ака.

Раис рози бўлди. Ҳўжалик қурувчилари ёрдамга келишди. Абдулла ака белини маҳкам боғлаб ишга киришиб кетди. Қурилиш учун барча жиҳозларни ўзи излади, ўзи топди ва яна пулини ҳам ўзи тулади. Хўлас, мактаб биноси қад ростлади.

Яқинда биз тadbirkor ва маърифатпарвар деҳқон Абдулла Жўраев билан суҳбатлашдик. Келгусидаги режаларини сўрадик.

— Мактаб синф хоналарини янада кўпайтириш ниятимиз бор, — дейди Абдулла ака. — Яқин келажақда мактаб томорқасини боғ-роғларга айлантиришни режалаштирганимиз. Шундан сўнг ўқувчиларни бепул оқатлантириш имкониятига ҳам эга бўламиз.

— Бу ишга қўл уришдан мақсад нима эди? — сўраймиз яна Абдулла акадан.

— Энди, шу тупроқда тутилганмиз, шу жамият бизни ўқитди, тарбиялади. Биз ҳам шунга яраша савоб ишлар қилишимиз керак. Авлодларимиз бизни фақат яхши ишларимиз учун эслаб юрсинлар. Биздан қоладигани ҳам шу.

Маҳмуд МАРДИЕВ



Абдурасул Пардаев олган сурат

Навоийдан хабарлар

Тил билганга мукофот

Навоиа шаҳридаги болалар боғчаларига тил баирамига баъишланган тadbirkorлар бўлиб ўтди. Шаҳар «Ўзбек тили» илми-маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган тadbirkorлар чинакам баиром тусини олди. Навоиа тоғ-металлургия комбинати, «Навоиасот» бирлашмасига қарашли болалар боғчаларига ўзбек болалари билан биргалликда чопон кийган малла соч аювтичалар, атлас кўялак кийган мовий кўз қизлар Ўзбекистон ҳақида шеърлар аювтидилар, қўшиқлар кўяладилар.

Ҳолбаларга «Ўзбек тили» марказининг эсдалик совғалари топширилди.

Қаҳрамон директорга ҳайкал

Навоиа тоғ-металлургия комбинатининг собиқ директори, Меҳнат Қаҳрамони Анатолий Петров раҳбарлик қилган оилалари Қизилқумда олтин ишлаб чиқариш уч баробар кўпайганди.

Яқинда қончилар собиқ директорнинг ҳаёкалини ясаб, уни Қримга (Петров умрининг охирида Қримга яшаган) жўнатилди. Ҳаёкални буюртма бўйича навоилуқ танлиқ ҳаёкалтарош Муҳаммадали Алиев тadbirkorлаган.

Ўз муҳбиримиз

ЭЪТИРОЗ БИЛДИРА
ОЛМАДИМ

Мен бу аёлни болагимдан танийман. Унинг ёр-ёрларисиз ўтган тўй рисоладагидек бўлмасди. Яхши эслаيمان. Қонич опа қўлига чилдирма олиб, ёр-ёрни бошлаши биланоқ буй етган қизлар дарҳол бир жойга тўпланиб ўтирардилар.

Шилдир-шилдир шувоққа, сиргам тушиди
ёр-ёр,

Синалмаган ерларга синглим тушиди ёр-ёр,
Синглим тушган ерларга ой бўлайин ёр-ёр,
Кўев чеккан чилимга най бўлайин ёр-ёр.

Яқинда қишлоғимизга бориб, у кишини қуриб қолдим. Суҳбат баҳона опанинг хотирасидан чиқаёган ёр-ёрларни эслатишга ҳаракат қилдим. Қонич опа бундан ун-ун беш йиллар муқаддам куйлаган ёр-ёрларини эслади. Ўзгача бир жозиба кашф этадиган бу ёр-ёрларнинг сехри мени гўзал хотиралар томон қорларди. Ундаги моҳият эса қалбимнинг аллақерлариди мудраб ўтган тўйгуларни жонлантиргандек бўлди.

— Ҳозир ҳеч ким ёр-ёр айтмай қўйди. Тўйларда ёр-ёр айтимаслигига одамлар ҳам кўникиб қолишди. Замонавий тўйларимизда видео, фақат шовқин-сурондан иборат мусиқа авжига чиққан. Ҳатто ёр-ёр аятадиган аёллар йўқ, ёки бўлса ҳам айтишга уядадилар шекилли. Опанинг кўюниб айтган гапларига эътироз билдира олмадим.

Аммо, наҳотки, қадриятларимизга зеб бериб келган урф-одатлар шу зайлда унутилаверса, деган уй менга тинчлик бермасди.

Хулқар ТҲИМАНОВА

Онанда гап юди

БОЙВАЧЧА МУШУҚЛАР

Калифорниялик миллионер Морвин Уолтон улими олдида бутун бойлигининг 600 минг долларини етита мушўтига васият қилиб қолдирди. Уч миллион долларни эса жониворларни ҳимоя қилиш билан шугулланувчи турли жамият ва жамғармаларга тақсимлаб берди. Морвин Уолтоннинг қариндош-уруғлари эса икки қўлларини бурунларига тикқанча қолаверишди.

Бир она ўз ўглини бўлса-бўлмаса «Жувонмарг ўли», «Бўйнинг узилсин!», «Илов, кўкингни қийин!»... «Сени тезроқ ер ютсайди!» дея қарашдан бўшамасди ҳам, ўзини бу каби мудиш тилаклардан тия олмасди ҳам. Охири... ўша она тилагига етди...

Халқимизда «яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга мусулмон динидан чиқади», деган нақл бор.

Жамики яхши ва ёмон, гуноҳ ва савоб ишларнинг аввалида тилак, ният туради. Одам наинки бошқаларга, балки ўзига ҳам ҳаммаша яхши тилаклар, дуолар қилиши керак.

... Бир ажойиб дўстимиз буларди. Қўли ҳам, кўнгли ҳам очик, дардқаш бир инсон эди, раҳматли. Дўстларнинг яхши кўнларида ҳаммаша бирга буларди, ташвишли кўнларида ҳам узилмасди. Мабо-до унга: «Дўстим, кўп мушкул кунга қолдик, битта иш бор, иккаламиз бирга ўлишимиз керак бўлади, шунга нима дейсан?» деб айтсангиз, олжаноблиги, содиқлиги ва собитлиги шунчалик эдики, бирпас ўйлаб турарди-да, «Майли, мен розиман», дерди. Биз таниган ва билган бу дўстимиз гапи билан иши бир инсон эди. У бизнинг хотирамиз кўзгусида ана шу ҳолида қолди. Раҳматлининг бир одати буларди. Кайфияти баланд бўлганида ва ёки умуман кўнгли очилган, ёзилган кезларда қандайдир бир жанговарлик, хотиржамлик билан дерди: «Оғайнилар, мени бир кун «точно» машина босиб кетади!» Биз эса бу гапга у қадар эътибор бериб ўтирмасдик ҳам. Фақатгина: «Оғзинга келган гапни лақилламай жим ўтир», дердик, холос. Гап шу билан тугади.

Бу орада у уйланди, уч-тўрт фарзандли бўлди. Ўқиш тугагач, ҳаммамиз турли томонга тарик доналаридек сочилиб кетдик. Бир кун Термизга — менга хат келди. Уни талабаликдаги фикрдош, дав-радош дўстларимиздан бири ёзган эди. У қозғонистонлик дўстимизнинг бемаврид қазо қилганлигини ёзган эди. Бу мактуб мени аввал қарахт қилди, сўнгра эса титроққа солди. Энди бу ерғу дунёда бир азиз дўстининг жисми йўқ эди. Кейин ўша хабарни берган дўстимиз билан марҳум

биродинимизнинг уйига таъзияга бордик. Келиндан, уй ичидан кўнгли сурадик, бу бахтиқаролик қандай содир бўлганлигини сурадим. Тафсилоти эса шундай эди:

Дўстимизнинг қайниси уйланадиган бўлади. Тўйнинг кўпдан-кўп майда-чўйда юмушлари, югур-югурида дўстимиз бел туради. Ташвишлар, тантаналар бари ни-хоясига етади. Тўй хизматчилари кўн-дўз-ги чопа-чоплардан ҳориб-толишади. Дўстимиз кечанинг алламаҳалида дам олмоқ учун уйига қайтади. Йўлда келатганида уни бир енгил автомашина босиб кетади. Ва шу билан бир азиз дўстимизнинг бу ерғу дунёдаги сафари поёнига етади. (Ал-

хам икки-уч фарзандли бўлгунга қадар да-вом этди. Табиийки, шу ёшдан сўнг уни ҳарбий комиссариат йўқламай қўйди. У ўзини кўп йиллар руҳан бош оғриққа солиб, пировардига тилагига кура чиндан ҳам... бош оғриги дардига гирифтор бўлди.

Турдали деган бир муҳандис гурунг берган эди. Бу гурунг— воқеалар унинг ҳарбий хизмат ҳаётида бўлиб ўтган экан.

Фалакнинг гардиши билан ҳамқишло-гим икковимиз битта қисмга тушиб қолдик. Россиянинг узоқ бир бурчагида икки ҳамқишлоқнинг бирга хизмат қилиши ҳам Худонинг бизга қарашгани эди. Тўғри, ку-

далаб бўлмас хиралик бор эди. Ҳам-қишлоғим ҳам қисмда «уйин» курсата-ман деб кўп ҳолдан тойган эди. Поезд-да тош уйқуга кетди. Бир кеча-кундуз ўқ егандек қотиб ўхлади. Туриб овқат-ланди, яна уйқуга кетди. Хуллас, қайт-ганимизда унинг оёқ оғригидан асар ҳам қолмаган эди. Мен уни ота-онасига олиб келиб топширдим. Бир муддат уйда бўлиб, кейин ҳарбий қисмга қайт-дим. Вақт ўтиб кетар экан, хизмат ҳам тугади, ёруғ юз билан уйимга ҳам қайт-дим. Бу орада боғи «оёқ оғриги» бўл-ган ҳамқишлоғим қаёққадир бораётиб йўлда сал қалтисроқ қадам ташлаган эканми, оёғи тупигидан қайрилиб ке-тибди. Суякнинг синганини, чикқанини жойига туширадиган таби-ўстага олиб боришди — бўлмади, касалхонага — врачга олиб боришди — бўлмади. Охи-ри у чиндан ҳам чулоқ бўлиб қолди. Худонинг бу ишини кўриб мен ёқамни ушладим, тавбалар қилдим. Шундан бе-ри болаларимга ҳам, қариндош-уругла-римга ҳам дейманки: «Нима бўлса ҳам яхши тилак қилинлар, тилак-истакла-ринг қандай бўлса, шундай жавоб бў-лади».

Барча нарсаларнинг, ишларнинг, во-қеа-ҳодисотларнинг бошида тилак ту-ради. Яхши кўнларга етган, бахтли дам-лар этагин тутган одамларни кўрганда ва ёки бўлмаса — Худо курсатмасин, фалокатларга гирифтор бўлганларни билганингизда, бу ишларнинг моҳияти-га етмоқ учун ҳеч бўлмаса бирров ури-ниб кўринг. Улар қандай тилак, суров билан яшаган эканлар, уларни ота-она-лари, теварак-атрофдагилар, халқ қан-дай дуо қилган экан? Шунда кўп нарса ойдинлашади...

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ



ШАЙХ САЪДИЙ ЎГИТЛАРИДАН

Яхшилар доимо пок йўлдан юрур,
Қўли калталарга кўп ёрдам қилур.
Улар яхшилиқнинг бандаларидур,
Уларсиз бу ҳаёт беравнақ эрур.

Хушхулқ кишига қаттиқ гапирма,
Тинчлик истаса, жангга чақирма.

Қандай яхши айтмиш Иброҳим Адҳам:
«Бойликка асло ҳирс қўйма, бул Ҳотам.
Киши гар бойликка қўйсачи кўнгул,
Кейин кўнгил узиш бўлар кўп мушкул».

ТИПАГАНЛАР МУРОДИГА ЕТАДИ...

Ният пок бўлсин

лоҳ уни раҳматига олган бўлсин!) Кейин эса биз унинг ёруғ гурунглари, ҳазил-хузуллари, яхши феъл-одатларини эс-ладик, гапларга ботдик. Ва яна... унинг ўша йилларда «мени бир кун «точно» ма-шина босиб кетади!» деб юришини ҳам эсладик...

Шарқ файласуф олимларидан бири Ас-Саъиду-с-Самарқандий қаламига мансуб бўлган «Жонзотларнинг тиббий ҳосиятла-ри» номли рисолада шундай сатрлар бор: «Аммо ҳаргиз ёлгондин ҳеч киши ка-салликни баҳона қилмасунки, қавлуху алайҳис салом: «Ёлгондан касал бўл-манглар, шундай қилсангизлар, рост-дан ҳам касал бўласизлар». Яъни бир одам десак, бошим оғрийдур ва ё ан-доқ бир иллатни ўзига баҳона қилса, албатта, ул иллатга гирифтор бўлур».

Бунга анча йиллар бўлди. Бир йигит ҳарбий хизматдан қолиш мақсадида ўзи-ни боши оғрийдиганга солиб юрди. Ана шу ёлгон оғриқни деб касалхоналарда қан-ча муддатлаб ётди, қанчалаб маълумот-нома, ҳужжатлар тахлади. Бу ҳол токи у йигирма саккиз ёшга етгунга қадар, ўзи

никиш қийин бўлди, хизматнинг ўзига яра-ша қийинчиликлари бор эди. Бир томон-дан барвақт туриб югуриш, бадантарбия ҳаракатлари, овқатдан сўнг ҳар хил маш-гулотлар, юмушлар... Иккинчидан эса, тил-ни яхши билмаймиз, урганиш керак. Хул-лас, чидайдиган йигитнинг жойи эди. Ле-кин ҳамқишлоғим қийинчиликлардан чу-чидими, тайсаллай бошлади. «Овгим оғ-рийди», деган баҳонани рукач қилиб, ка-салхонага тушишни одат қилиб олди. Ов-гида яра йўқ, сингани йўқ, майиб бўлган эмас, лекин нуқул оғриқдан зорланарди. Бу қуруқ гапларга ишонадиган одам кам эди. Лекин гап шундаки, у кечалари ҳам гоҳо ухламасдан «овгим»лаб чиқарди. Охи-ри бўлмади, ҳарбий врачлар уни хизмат-га ярамайдиганга чиқа-ришди. Ўзини уйига жу-натиб бўлмасди. Коман-дирлар унга мени кў-шиб юборишди. Бирга-лашиб уйга қайтдик. Кўнгулда бир томони кўвонч бор, бир томо-ни эса хижиллик, ифо-

ҚАДИМГИ ҲИНД ҲИҚМАТЛАРИ

Уқ яраси, тиг яраси тузалади, кесилган да-рахт новда чиқариб яна ўсиб кетади, аммо ёмон сўз яралаган дил жароҳатининг тузалмоғи гу-мон.

Бировларнинг камчилиги ё ўзининг фазилат-ларини ошириб-тошириб гапириш инсофдан ҳам эмас, одобдан ҳам. Ана шу икки масалада сукут сақлай олган ҳақиқий инсондир.

Яхши одам яқинларининг фақат фазилатла-ри ва яхши ишлари (гарчи улар амалда кам бўлса ҳам) ҳақида, тубан одам фақат камчили-ги ҳақида гапиради. Агар улар ёлгон гапиради-ган бўлса, фойда-зарари, гуноҳи-савоби ўзла-рига — биринчиси, ўт ичида қолиб ҳалок бўл-ганнинг борадиган жойи жаннат, иккинчисини-ки жаҳаннамдир.

Оқил кишиларга мажлисда бошқалар ҳақида ноҳўя гаплар айтиш ярамайди. Кимгадир бахт-сизлик келтирадиган бўлса, ҳатто маълум ҳа-қиқат ҳақида ҳам сукут сақлаган афзал.

Рост ва ёқимли гапиришга урган, ноҳуш ҳа-қиқатни айтишдан сақлан, ёлгон гапга тўн кийдирма.

Кузда момақалдироқ ёмғирсиз келади, ём-ғир мавсумида момақалдироқ бўлмайди. Ту-бан одам ишлагандан гапиради, хурматини билган гапирмасдан ишлайди.

ҲИҚМАТ— БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

* Илми йўқ кишининг обрўси бўлмайди. Дўсти йўқ кишининг кучи бўлмайди. Фар-занди йўқ кишининг кўз нури бўлмайди. Яхши хотини бўлмаган кишининг тинчлиги бўлмайди.

* Тўрт нарса саломатлиқни сақлайди: иштаҳа келганда таом ейиш, оғир нарса-ларни кўтармаслик, жисмоний ҳаракатни меъёрида қилиш, ғам-ташвишни орқага ташлаш.

* Тўрт нарса тўрт нарсасиз бўлмайди: ҳурмат— одобсиз, шодлик— тинчликсиз, дўстлик— муҳаббатсиз, ақл— тажрибасиз.

* Ҳар бир одамда тўртта гавҳар бўлди. 1. Иймон гавҳари. 2. Ақл гавҳари. 3. Илм гавҳари. 4. Саҳоват гавҳари.

* Беш кишига сир айтиб бўлмайди: хо-тинга, кичкина болага, душманга, қулга, нодонга.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

Оламда гап кўп

КАПКИРЛИ КАСАЛЛАР

Ғарб мамлакатларида «Жавза синд-роми» деб номланган руҳий касаллик тарқалмоқда. Бу дардга чалинганлар ёнларида доим капкир олиб юришар экан. Уларнинг сони 500 кишига яқин-лашиб қолгани қайд этилмоқда.

Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилганимга ҳали эндигина бир йил бўлганди. Мендек уш гуноҳи учун қамалган ва мен билан бирга ётадиган уртоғим Раҳимжонни ўз севгиси, муҳаббати қурбони бўлганлигини эсласам эҳтимол жимирлаб, юрагим оғрийд. Гўё ўз вақтида мен унга ҳамдард бўла олмаганимдан, унинг дардига шерик бўлиб юпата олмаганимдан укинаман. Ушанда далда бериб ёнида бўлганимда, балки у ҳозир тирик бўлармиди...

Ҳар кунгидек ишдан қайтган кийимларни алмаштириш учун ётоқхонага кирсам, Раҳимжон йиғлаб ўтирибди. Эркак кишининг йиғлашини биринчи бор куришим эди, жойимда қотиб қолдим, дақиқа ичида миямдан минг хил ҳаёл ўтди. Отаси ёки онаси қазо қилдимкин ёки бир кор-хол бўлдимикан, нима бўлдикиан-а?!

— Нима бўлди Раҳимбек? — сурадим секингина, гўё унинг дилини оғритиб қўйишдан қўрқиб. Раҳим анчагача индамай турди, сўнг йиғидан тўхтаб кузени бир нуқтага тикиб қолди. Мен яна савол назари билан унга қардим. Раҳим олдидаги жавончани очдида унинг тортмасидан гижимланган қозони олиб узатди. Мақтуб. Бирдан ҳусниҳатидан танидим, мақтуб севгилиси Дилдордан эди.

Секин гижимланган мақтубни очдим. Билсам, мен бу ҳиссиётни тўғри тасвирлай олдимки, йўқми. Чунки ҳали ушанда қаминга муҳаббат дарди юкмаганди. Лекин мақтубдан куришиб турардики, Раҳим мақтубни қандай қийналиб ўқиган бўлса, Дилдора ҳам минг азоб ила йиғлаб-йиғлаб ёзган.

«Ассалому алайкум Раҳим ака! Аввало соғлигингиз яхшими? Ишлар билан чарчамасдан юрибсизми? Раҳимжон ака, мени кечиринг, энди барибир ёзма-сам бўлмайди, сизни алдасам узишга эп билмаппман. Анчадан буюн сизга хат ёзмай юрганимнинг сабаби, бир ҳафта олдин мени... мени унаштиришди. Раҳимжон ака ишонинг менга, минг қаршилиқ қилиб йиғламайин, фойдаси бўлмади, отам кулоқ солмадилар. Мени қариндошимизнинг ўғлига унаштириб қўйишди. Мен биланам, сизга ҳозир қанчалар оғир, қанчалар қийин ушбу сатрларни ўқиш. Лекин менга ҳам осон тутманг жоним, ожиза бир қизнинг ҳеч нарсасга қучи етмайди. Тақдир экан, сиз қамалиб кетгандан сўнг муҳаббатимизга гов бўладиганлар кўпайди. Ишонинг, сиздан бошқани севолмайман. Наинки севиб, ҳатто яшолмайман. Сиз менинг уриб турган юрагим, жоним эдингиз, энди-чи? Йўқ, мен юрагимдан, жонимдан айрилишганим, демек, менга ҳаёт ҳаром. Раҳимжон ака ҳозир шу гапларни ёзаётгану ҳеч ўлгим, сиздан айрилган келмаяпти. Кўз ёшим сиз ҳозир ўқибатган мақтубни ҳул қилиб юборди. Сиздан бошқадан «севаман, жоним» деган сузларни эшитишни, сиз ушлаган қўлларимни бошқа бировлар ушлашини хоҳламайман. Мен, мана ҳозир ҳам ўз ўлимни олдида сиз билан ўтказган ширин дамларимизни, учрашувлари-

мизни эслаб йиғлаппман. Қандай яхшийдига бирга бўлганимиз. Қайси қилган гуноҳларимиз учун Оллоҳ қазоллади Раҳимжон ака, нега бизнинг бирга бўлишимизни хоҳлашмаяпти? Раҳимжон ака, майли, сиз мени уйламанг, бахтли бўлинг, ҳали мендан кейин яна кимдир севарсиз, севиларсиз. Фақатгина сиздан бирдан-бир ўтинчим, илтимосим шу, менинг номимни ҳам, узимни ҳам унутинг. Сиздан мингдан-минг розиман, сизда ҳеч қандай айб йўқ, ҳаммасига ўзим айбдорман.

Раҳимжон ака, сизнинг қамалишингиз бизни видолашувимиз эканлигини ушанда судда билганимда эди, судядан илтижо қилиб, мени ҳам сиз билан бирга қамашларини сурадим. Афсус, билмаганман. Ҳайр энди, на илож, сизни ис-тасалар нафақат беш йил, балки юз йил кутардим. Куттиришмадилар.

Ҳозир уйимизда уйин-қулги, тўйга тайёргарлик қилишяпти. Лекин билишмайдики, барча сотиб олиб келган нарсалари эртага — меннинг тўйимга эмас, азамга сарф бўлади, майли билмаганлари ҳам дуруст. Раҳимжон ака, қўйинг, йиғламамг жоним, сизники эдим, руҳим бу дунёни тарк этгунча сизникиман, бу дунёдан ҳур кетсамда, ўзим сизникиман.

хафа бўлмайман.

— Хатни ким берди сенга?

— Бугун Маҳмуд аканинг уйидагилар келган экан, иш кийими олиб келди. Уйдагилар бериб юборишибди. Ушанинг чўнтагидан чиқди.

Бу гапни эшитишга унга ҳеч нима дей-ладим. У бир неча дақиқалар ичида ал-лақачон тушқунлиққа тушиб бўлган эди.

— Бўпти, Раҳимбек, узингни бос, йи-гит кишинан, бошингга тушган кулфат пешонангга ёзилган экан дўстим.

Раҳим ўнсиз йиғларди. Ташқарида ҳам аксига олиб бемаъни ҳаво, тайинсиз ша-мол изгирди. Негадир юрагим гашлан-ди, кайфиятим бузилиб гўё Раҳимнинг дарди, ташвиши менга ҳам юққандек эди. Кечки овқатга бориб томоғимдан овқат ҳам ўтмади, яна ётоқ жойимизга қайтиб келдим. Раҳим энди ўрнига қўзи-либ қўзини юмганича ҳаёл суриб ётар-ди. Унинг ҳаёлини бўлиб юбормаслик учун секин келиб жойимга қўзилдим.

Ярим тунда уйғониб бирдан ёнимга қардим, Раҳим йўқ, юрагим «шиғ» этиб кетди. Наҳотки Раҳим... йўғе, нафасим курсин, дея ўрнимдан туриб кийина бош-ладим. Кийиналману кўнглимдан Раҳим кетмайди, бу ерда икки йилдан буюн ю-ган Раҳим қўққисдан биргина хатни деб...

ҳаббат салтанатининг маликаси эди.

Урнимга қўзилиб, қўндаликни ўқиш-га тутиндим.

«Биз Дилдора билан унчинчи синф-далигимизда танишгандик, уни мен ки-нога тушганимда қизларнинг орасида танлаганман. Узун сўнбул сочлари, оху-дек шахло кўзлари, уялганида гузал бир ҳиссиётлар билан бурканадиган юзлари, ақиқ лабларию, ноз ила та-бассум билан сузлашлари ақлимни ўғирлаган эди. Дилдорани бир ойдан зиёд изладим, билмадим, қайси мак-табда ўқийди, исми нима. Ҳар кун ки-нотеатр олдида борардим, ҳатто айрим пайтлар дарслардан ҳам қўлиб уни из-лашга тушардим. Орадан анча кун ўтиб, балки ойлар ўтгандир, байрам кўни эди, уни шаҳар кўчаларидан бирида, яна дўгоналари билан қуриб қолдим. Уша кўни уларга билдирмай кўн бўйи орқаларидан пойлаб юрдим ва Дилдо-ранинг уйини билиб олдим».

Қўндаликни қолганини ўқий олма-дим, юрагим бардош беролмасди. Қўн-даликнинг охириги варақлари орасидан хат чиқди. У Дилдоранинг мақтуби эди:

«Ассалому алайкум, Раҳимжон ака! Соғлиқларингиз дурустми? Қийнал-

маяпсизми? Чарчамаяпсизми, жоним? Мен ҳар кўни сизнинг дуо-жонингизни қилиб Оллоҳ-дан тезроқ қайтиб келишингизни сураб тиловат қиламан. Ра-ҳимжон ака, менимча сиз би-лан мени айрилиқ, муҳаббат азоби, фироқ ботида худо си-наб кўраёпти. Шунинг учун биз бу синовдан ҳеч қўққмасдан ўтишимиз керак. Раҳимжон ака, барибир, сизни соғиндим, жу-да-жуда кўрғим келаяпти жон-гинам, қачон бирга бўламиз-а, нега сиз ҳали чиқишимга кўп бор дебсиз, ундай деманг Ра-ҳим ака, мен сизни ҳар кўни, ҳар тўни, ҳар дақиқа, ҳар со-ния кўзим тўрт бўлиб кутаман. Соғинаман, уйламан. Ҳаёлим-да сиз билан бирга бўламан.

Раҳимжон ака, кеча бизларникига сов-чилар келибди. Ойим менга совчилар учинчи бор келиши қизим, ҳўп дея қол-сангчи, яхши одамлар, ўзига тўқ яшайдилар, ҳўп дегин қизим, деб ялин-дилар. Мен йўқ, дейишдан нарига ўтол-мадим. Сиз ҳақингизда эса уларга айтолмайман. Ушандан кейин дадам ха-фа бўлгандек бўлди, нима қилай, Ра-ҳимжон ака, сизни деб ота-онанинг ҳам гапига кирмаппман, чунки мен сиз-сиз яшолмайман, сизсиз ҳеч нарсга қи-лолмайман. Сиз бахтим, ҳаётимиз, қандай қилиб тақдиримни бошқа би-ровларга ишониб топшираман. Била-ман, сизнинг аҳволингиз менсиз оғир кечади, лекин мен азоб чекишингизни хоҳламайман...»

Армон, дард, ҳижрон азоблари би-лан йўрилган мақтубни ҳам охиригача ўқий олмадим. Хатни аввалги жойи, қўндаликнинг охириги варақлари ора-сига қўяётиб Раҳимнинг охириги ва-раққа катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қолдирган сатрларига кўзим тушди. Бу охириги сатрлар шошилиш эзилганли-ги куришиб турарди.

«Дилдорам мен учун армон бўлиб қолмоқда. Мен уни бир умр севиб, уни-нг ҳаёли билан яшардим, майли, ора-дан йиллар ўтса-да, у бир неча бола-ли бўлса-да уни ҳар соғинганимда ўзқ-дан бир қуриб бўлса-да яшаб кўн ўт-қазардим. Афсус, у мени деб ҳур кети-шни, ўзини қурбон қилишни танлабди-ми бу дунёда менга ҳам жой йўқ. Мен бу дунёда бўлмасам-да нариги дунёда му-ҳаббатим билан бирга бўлишни жу-да-жуда истардим. Билмадим, истайми-га ета оламани-йўқми. Ҳайр эй армони-ла дунё, сендан тўймаган бўлсамда тарк этайинман, сендан тўёлолмайди ҳаёт...»

Қўндаликни ёпиб қўяр эканман кў-зим ёшга тўлганди. Озодликдан маҳ-рум этилган, жиноят қилиб қамалган Раҳим дўстимнинг аччиқ қисмати шун-дай фожиали тугаганди.

Бу ташвишли, фожиали кўнлар ҳам энди ўтиб, унутилай деганда амнияти чиқди. Орадан ҳали икки ой ўтмаган-ди-я. Афсусландим, қаттиқ, жу-да қат-тиқ афсусландим. Чунки яна икки ой ҳеч нима бўлмаганида Раҳим ҳам се-гани билан бирга бўларди. Тақдир та-қозоси билан мен ҳам озодликка чи-қиб кетдим. Озодликка чиқиб кетаётиб дўстимдан қолган бирдан-бир ёдгў-лик, эсдалик бўлган қўндалик дафтар-ни олиб чиқиб кетдим. Кўп ўтмай дўстимнинг юрти — водийга бордим.



Билмадим, сизни энди мендек севарлар-ми, мендек асраб-авайларми?!

Раҳимжон ака, сизга атаб иш кийими тиккан эдим, эртага қўшни қишлоқдан Маҳмуд аканинг хотини борар экан, чўн-тагиде эса хат бор. Хатни олганингизда бизнинг уйимизда менинг маъракам бў-лаётган бўлади.

Майли жоним, мен энди сиз билан хайрлашаман, охириги, энг охириги марта видолашаман. Жоним, мени бир умр қу-ролмайсиз, мен эса сизни. Ҳозир ўли-мим олдида сизни жу-да-жу-да кўрғим, қучиб йиғлагим келаяпти. Афсус, иложи йўқ, сизни қучиб, ўлиб қолувчи севги-лингиз Дилдора».

Хатни ўқиб бўлиб секин Раҳимга қа-радим, у ҳали ҳам қўзини бир нуқтадан олгани йўқ, Билмай қолибман, кўзим ёш-га тўлиб, мақтубга ҳам томиб тушибди.

— У ҳозир йўқ, — деди Раҳим ярим

хазин овозда.

— Ким?

— Дилдор.

— Йўғе, балки...

— Кеча галати, ёмон туш қургандим, оппоқ лайлак келиб менга бир парча ла-ҳм гўшт ташлаб кетибди, мен ҳурсанд бўлиш ўрнига нукул йиғларканман. Ту-шининг тадбирига мана энди тушундим. Дилмурод, менга энди яшашдан не фойда. Бу дунёда Дилдо-ран сиз қолиш ўзининг устим-дан қилиб яшашдек ҳолат, ўз-ўзини алдаб, абгор қи-либ, аҳмоқ қилиб яшашдек гап-ку.

— Ундай дема Раҳим, уйлаб гапираясанми? — дедим унинг гапидан сес-каниб кетиб. — Битта қиз-ни деб узингни гўрга тиқ-моқчимисан, аҳмоқ бўпсан дўстим, аҳмоқ бўпсан.

— Ҳа, битта қизни деб, муҳаббатим гўрга кирса-ю, мен қандай қилиб ялло қи-либ юраман. Қандай қилиб қараб тураман, йўқ, бу ин-софдан эмас, бу ҳўрликка чидай олмайман. Дилмурод, сен ҳали ҳеч кимни сева-мансан-да, уша учун сенга қулгили тўюлаяпти, эҳ дў-стим, — деди Раҳим ҳўрсиниб. — Сен ҳам севиб-се-вилганинга эди, бундай демасдинг, шунинг учун ҳам мен сендан бу гапинг учун



УЗИМГА МАКТУБЛАР

Кўнгил таскин истайди

Ёмғир ёққанида тупроқни ҳеч қузатганимиз? Уша онда ернинг аҳволни қандай ўзгартиб кетишига кўзингиз тушганимиз? Эслаб кўринг-а, тупроқ аввал бутқичиб, бағри уйилиб-уйилиб бораётгандек аянчли тусга киради. Сўнгра... ҳид таратиб, ранги очилади, бир эркин нафас олади. Инсон ўзига мактуб ёзганида худди шундай ҳолга тушади, назаринда. Тасовифан кўпимга тушиб қолган мактуб (бу инсоннинг ўзидан ўзига битган мактуби эди)ни ўқиб икки нарсасига амин бўладим: инсон фақат ўзигагина энг тўғри гапларни айта экан; инсон ҳатто ўзидан ҳам баъзи сирларни яшира экан. Ўтибборингизга ҳавола этаётганимиз бу мактубда инсоннинг бир тўқилган жараёнини кўраемиз. Нотинч қалби, уйлови юракнинг аҳволини бизга баён этади. Бу мактуб. Инсон меҳрга, муҳаббатга ҳамоно зор, ҳамоно шайдо эканлигини яна бир бор эслатади. Бу мактуб.

Мактуб узоқ-юлуқ. Бу — хат эгасининг нотинч руҳиятидан дарақ беради. Шунинг учун ҳам мактубнинг ҳаммасини эмас, керакли жойларинигина танилаб олади.

...Агар мен «аклли овғим» эркига бўйсунганимда эди, аллақачон «меники» бўлмас эди. Ҳозир ҳам бутун куч-ғайратини йиғиб ўзимга қайтишга уриняман. Дўстлар рост сўзловмаса, душманларинг ёлгон сўзловмаса, сен эса ҳар иккаласини ҳам тингламасанг, ўзинг билан суҳбатлашишдан ўзга чора тополмайсан.

Ёнимда бир дўст қолмади. Инсон ҳеч қачон ёлғиз қолмаслиги керак. Ёлғизлигида бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ҳаддан ошқ таъсир қилади. Моҳият эса барибир уша-уша. Аслида бахтлилик ҳаддан ошқ шодлик бўлса, бахтсизлик ҳаддан ошқ хафагарчиликнинг ўзи.

...Эй дил. Дунёда шундай ҳодисотлар мавжудки, сенга бегона шундай дақиқалар борки, уларнинг ҳар бир зарбига асрлар қувончини тенглаштириш ҳам камлик қиларди. Бой берилган имкониятни орқалаб қочишдан не наф? Гул ёшигнда мўйсифидона бу сокинлик не учун?!

...Нимагадир мақтов эшитгим келади. Бор гап шу. Нима учун бировнинг айбини айтишга шошилишимиз, яхши томонини кўрсатишга оқсаймиз. Юрагим ширин сўзга ташна. Қизиқ, яна уша дам — душман мақтамаса, дўстинг мақтолмаса...

Мен учун дўстимнинг осилиб турган тумасигача қадрли.

...Ҳамма нарсани унутишни истайман. Рўҳимдаги бу хоҳиш ёвузликми, шафқатми, билмайман. «Ақллилик балоси»ми, ёхуд ақлсизлик балоси? Умрим фақат ўзимни қоралаш билан уятапти. Чек қўйиш керак. Инсон ниманики хоҳламасин, ниманики истамасин, барибир, интиҳо борку! Улим ва ҳаёт. Ҳаёт ва улим. Бу шафқатсиз! Мўҳими ҳали ёшман. Ишларим кўп.

...Кузимга жуда бамаъни қуринарди. Бир суҳбатини олсам, деб юрардим. Гаплашиб туриб шартта ярмидан кетиб қолдим. У ҳақдаги гузал тасаввуримни бузгим келмади.

...Инсониятнинг энг тубан кимсасига ҳам Оллоҳ инояти — қалб берилади. Бу қалб севишга, севилишга маҳкум. Нега бундай қилдинг? Й-у-у-у, Тўғри ҳам қилдинг. Қачондир шундай бўлишини билгандим. Бошида, эсингадир, айтгандим: «Нимагадир дўстга ухшайман-да», деб. Сездардим, фақат...

фақат тушунмайман, нега сен? У эмас, буниси. Эҳ, ҳаммаси уткинчи. Мен ҳам, сен ҳам. Фақат тушунмайман, энг ёмон курганим — жанжал ва энг кўп аралашиб қоладиганим ҳам жанжал бўлади. Э-э-э, умуман хафаман-да. Сенданмас. Сендан хафалигимдан хафаман. Умуман, дунёда тушунлиқ борлигидан хафаман.

...Бугун галати гап эшитдим. Дўст — узоқ душман эмиш... Шу чинмикан-а? Лекин мени ҳатто рақибинг тан бериб айтган ширин сўз нима учун дўстингга оғирлик қилиши уйлантиради.

...Эй, йилғоқи дил. Бизга йилғаш ярашмайди. Йилғоқи дейману, йилғолмайман ҳам. Қани энди тўйиб-тўйиб йилғолсанг, дардларингни сўзлаб бузласанг — эриб кетса. Соғинч, ширин азобларинг, гул ҳавллариңг, япроқдек титраб турган орзуларинг, шудринг мисол умидларинг бари... арзимас. Йўқ, нега арзимас экан, тоғ минг хунук бўлгани билан — тоғ, чўққи кўрқинч бахш этса ҳам — чўққи, бургут қанчалик ҳайбатли бўлмасин — бургут, шер нечоғли ваҳший бўлмасин шерлигича қолади!

Шундай экан, гузал ҳисларни авайлашни урган. ...Мен сен билан дўст бўлмоқчиман. Дунёда покиза ва олижаноблар борлигини ҳис қилиб туриш учун ҳам. Тоза қалблар эгаларининг ихтиёрсиз ҳам бир-бирларини топадилар. Ҳеч ким мени ўзимчалик яхши билмайди. Аммо, дўстим мени ўзимдан ҳам яхшироқ билишини истайман.

...Суҳбатдошинг бор экан, бу таскин эмас. Дилшодинг, кўнгилдошинг бор-ми? Мўҳими шу.

Лола САОДАТОВА



ТУШЛАРИДА КУЛГАН ҚИЗАЛОҚ

Туш кўраётган қизалоқ уйқусираб алланималар деди. У учун ширин тушларгина барқарор эди, бу дунёда. Ана шу тушлар унга энг ёруғ туйғуларни инъом этадигандай... Чунки уйқудан уйғонган ҳамоно кимидир, нимасинидир излайди... «Нилуфар, уйғондингми, қизим» онасининг эрқаловчи оҳангдаги товуши эшитилади. Кимдир қизалоққа «Қуёш чиқмасдан, ҳаммадан бурун уйғонсанг дадангинг келганини кўрасан» деганди, ҳазиллашиб. Афсуски, у доим ухлаб қолаверарди. Шу боис уйғудан туради-да, ўз-ўзидан хафа бўлиб хўрлиги келади-ю, йилғаб юборади. Буни тушунмаган аяси эса «Бўлди қил, хархашангни. Ана дўм-

боққина айиқчанга қара, йилғоқи деб устингдан куляпти», дейди.

Ҳали болалик фаслининг оҳори кетмай туриб, бир олам дардлар юқини елкасига опичлайди, қизалоқ. «Дадам қачон келади?» дея бот-бот онасидан сўраганда онаси ундан нигоҳини олиб қочади-ю, «Сен катта қиз бўлганингда» дейди ғамгин бир аллозда. «Дадам менга кўп уйинчоқ ҳам кетиядилами?» Ҳавёлга чўмган аяси эса «Ҳа», деб қўяди базур.

Янги йил кечаси у алламаҳалгача Қорбобони кутди. «Қорбобо истаган нарсамни мўҳайё қилади. Мен ундан дадамни топиб беришларини илтимос қиламан. Агар кўнмаса қў-

ғирчоқларимни, уйинчоқларимни бераман. Ҳатто энг яхши кўрган кўн-ғир айиқчамни ҳам». «Қорбобо келдими?» уйқудан тура солиб ойисига юзланди. «Албатта, қизим. Мана қара, сенга ажойиб кўйлакча ҳам совға қилди». Дукондан харид қилган кўйлагини кўрсатди ойижониси. «Мен ахир ундан...» таъби хира бўлди, қизалоқнинг. «Қуй, хафа бўлма, қизалогим. Эндиги сафар сени уйғотаман. Қорбободан истаган нарсани кўрайсан». Истаётган нарсасини ўзидан бўлак ҳеч ким — на ойиси ва на жонсиз уйинчоқлар сезмасди, назарида.

Одамови, ғамгин бўлиб усаётган қизига термулиб, оназор туганмас ҳасратлар юқини юрагига ортади. Қизалоқ эса ширингина ухлаб ётар, ҳатто алаҳсираганча кулиб-кулиб кўярди. Ҳали бирон марта кўрмаган дадасини тушларида кучиб, меҳр тўла оғушида завқланарди, у. Фақат тушларгина барқарор ва гузал эди у учун...

Алжон САФАРОВ



Раҳимларнинг уйини излаб анча юрдим, шаҳарнинг бир чеккасидаги, ғарибгина ҳовли экан. Ҳовлида мени кўк кийган Раҳимнинг онаси кўтиб олди. Кимлигини сурадилар.

— Холажон, мен ўглингиз Раҳимжон билан бирга қамоқда бўлганман, бирга яшаб, бирга ётиб-туриб юрганмиз, ундан қолган бирдан-бир ёдгорлик бўлган дафтар ва хатларни ташлаб кетганим келдим, — дейишим билан Раҳимнинг онаси ўзини менга ташлаб йилғаб юборди. Галати бўлиб кетдим, беихтиёр кўзимга ёш қўйилиб келди. Онанинг йиғиси ёмон экан, уни йилғатиш катта гуноҳ, гуё мен худди шундай гуноҳ қилган қишдек кўтиб турардим.

— Сени урингга онангинг улса бўлмасмиди болам, нега ундай қилдинг-а, нега онангни ташлаб кетдинг, нега, болагинам...

Ақсига олиб уша дақиқаларда тилимга на қалима, на юпата оладиган сўз келарди. Онанинг ярим оқ сочларини силаб юпата бошладим. Ҳойнаҳой бу сочлар шу кеча-ю кундузда оқаргандур. Эҳ, она, деб ўйладим. Болагинг не дард билан сени, бу дунёни ташлаб кетганини билармидинг, йўқ, билмайсан. Ҳа, онажон болангиз Раҳимжонни агар шу қизни деб ўлишини билганингизда, хоҳ у шоҳнинг қизи — малика бўлганида ҳам олиб берадирингиз. Афсус, билмаганисиз, энди эса кеч.

— Холажон, ўзингизни босинг, тақдир, пешона экан, ўзингизни қўлга олиг, — деб онани овута бошладим. Она бошини кутариб менга қаради.

— Болажон, мен унинг бу тақдирдан ҳам, пешонасидан ҳам норозиман, нега энди бирдан-бир углимни эндигина вояга етганида қамалгани етмаганидек, яна бағримдан қилиб кетди.

Онанинг сўзларига жавоб беролмадим, унинг кўзларидан тўқираб оқаётган кўз ёшларини артар экманан, она йиги аралаш гапирарди.

— Болам, мана сиз келдингиз-ку, у ҳам икки ойгина кутганида келарди-ку, нега ундай қилди, айтинг болам, сиз биларсиз, бирга яшаб бирга юрганмиз дейсизку? Сабаби нима болам, қайси гуноҳи учун, айтинг?

— Хола, сабаби бор, албатта.

— Қандай сабаб болам? — бирдан сергакланди она.

— Раҳимжон муҳаббат айрилиги, севаги қурбони бўлди хола, — дедим зўрга.

— Тушунмадим, қандай қилиб...

— Раҳимжон бир қизни севарди, хат ёзишиб юрарди, охириги марта ундан кийим келди ва уша кийим билан бирга мактуб олган. Мактубда қиз отаси мажбуран эрга бериб юборганлиги баён қилинган экан.

— Ҳа, буни бизга айтишди, хатни ҳам кўрсатишганди, лекин ишонмагандим, энди сиздан ҳам эшитиб ишондим.

— Хатни олиб йилғалганида тепасида мен бир ўзим бор эдим.

— Болам, шу дарди бор экан айтмайдим, айтишга уялар экан, ёзиб юбормайдими-а, биз у қизнинг бошини боғлаб, ном синдириб кўярдик.

— Холажон, сиз у қизни танирмидингиз?

— Йўқ, болам, мен уни ҳатто кўрмаганман, кимлигини ҳам билмайман.

— Мана, дафтарнинг ичиди расми бор, — деб Раҳимнинг кўндалик дафтари оқиб расмини кўрсатдим.

— Бу қизни танимадим, болам.

— Ҳозир бу қиз ҳам йўқ.

— Нега?

— Қиз ҳам ўзини ўзи ўлдирган.

Она расмга тикилиб қолди, «Оҳ, углим, шу биргина қора қоши деб гулдек умрингни хазон қилдингми-а», деб пичирлади она.

Раҳимнинг онаси билан хайр-хўшлашиб унга ўғлидан бор ёдгорлиги бўлмиш кўндалик дафтарини узатдим.

— Бу ўглингиз ёзиб юрган кўндалик дафтари, уни асраб-авайлаб олиб қўйинг, хола.

Она ўғлидан қолган ёдгорлиқни қўзига суртиб олиб қолди. Мен Раҳимжонларнинг уйини тарк этиб, адрес буйича Дилдораларникини изладим. Кўп юрмай, уларникини ҳам топдим. Лекин қира олмадим, ҳовлида йиги-сиги бўлаётганди. Ортимга қайтдим. Кетар эканман, ҳаёлимга Раҳимжоннинг охириги марта йилғаб гапирганлари келди. Ачиндим, жуда қаттиқ ачиндим.

Орадан йиллар ўтсада, мен ҳамон бу воқеани эсимдан чиқара олмаيمان, билмадим, нима учун, лекин ҳали-ҳали Раҳимжон билан Дилдорага ичим ачиди, юрагим эзиларди, бағрим йилғайди.

Оламга гап кўп

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Будапештлик Магда Хавази туғилган пайтда атиги 350 грамм тош босган ва шифокорлар унинг яшаб қолишига шубҳа билдиришган эди. Шунга қарамай, уни беш ҳафта махсус инкубаторда сақлашди ва ... муъжиза юз берди. Ҳозир Магда 13 ёшга тўлган, буйи 175 сантиметр, оғирлиги 82 килограммга тенг.

«АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ МУСУЛМОНМАН!»

Шоҳимардон... Бу муъжаз қишлоқ табиати, пурвиқор тоғлари-ю, шаффоф булоқлари, тоғ ён бағирларида чўққиларга буй чўзган арчалари-ю, қип-қизил олма-лари ва энг муҳими бу азиз гушанинг дилкаш, одамхон қишлоқлари не-не сайёҳ-ларни ҳайратга солмаган дейсиз! Ман-гулик қушигини қуйлаётган Оқсув ва Кук-сув шиддати, тошлардан-тошларга ури-либ, маржон шодаси монанд сочилиб оқаётган шу икки она дарё таровати не-не кўнгилларни узиға асир этмаган дейсиз!

Ҳар борганимда ҳам Шоҳимардон гу-зал жамолини илк бора қурсатаётган су-лув каби мени узиға мафтун этади, ти-киламан-у туймайман. Анчайин бир му-ҳбир қалами тасвир этмакдан оҳиз гузал табиат қаршисида тиз чўққим, зилол су-варга қумилиб кетгим, ҳув бургут каби осмонларга буй чўзган чўққиларни қў-гим келади. Одам қилиб яратганинга шукр, парвардигор, дейман. Тиззамни қўчганча тоғларга тикиламан. Шу чоғ би-ров майин товушда қақиргандай була-ди:

— Қизим, қўп уйламанг, тирикчилик ташвиши кимда йўқ дейсиз. Дам олгани келдингизми, мазаза қилиб уйланг-қули-нг.

Аста ўғирилдим. Ййи, бу урис аёлни бийрон қилиб ўзбекчалашини кўринг. Аҳир менга она тилим иззатини жойига қўётган русийзабонлар ҳақида мақола ёзиш топширилган эди-ку!

Шу муъжаз қишлоқнинг уммон юраги— Сонсиз сайёҳларга жой берар ажаб, — дея туйғуларимни қўфиялаш ҳарака-тидаги идрок озғиза ураман: бўлди, иш-га кириш!»

— Хола, ўзбекмисиз?

— Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман. Ўз-бекдир, урисдир, тожикдир, қирғиздир, ҳаммаси худонинг олдида тенг, қизим.

Ҳижолатомуз уэр сурайман. Сабаби ти-рикчилик олма сотиб утирган хола билан гап базмимиз қизигандан-қизийди, ишми-ни бажараётганимдан мен хурсанд. Шо-ҳимардоннинг бегубор ҳавосидан сими-риб, оқшом пардаси тушиб қорайиб бо-раётган чўққиларга тикилганча, ўтмишини эслаганидан у хурсанд...

Қиз бола палахмон тоши, деганлар то-пиб айтишган, акс ҳолда Украинанинг Львов шаҳрида туғилган Людмилани тақдир Шо-ҳимардонга олиб келармиди! У, нақадар ҳайратларга ботган эди қишлоқ табиати-га боқиб. Ўғай онанинг турткилашлари-дан синган кўнглига шу азиз маскандан малҳам топилди. Шоҳимардонликлар ун-га иш, бошпанасига эмас, ўз фарзандла-рини ҳам беришди. Оналар ва болалар санаторийси ошхонасида ишлаб юраркан, Топволдининг ёниб қарашлари мовий кўз Лиданинг юрагига чўғ ташлади. Ўзбекона расм-русумларни бажо келтириб, бир чи-ройли келинчақ бўлди, ўзбекчани урган-ди. Тунгич фарзанди Элмуродни бағрига босаркан: «ўғлимни умри билан берганин-г рост бўлсин, эгам», деди қувончидан кўзларига ёш келиб: Ўзбекона болажон-лилик Лидахонга ҳам юқди. Гузалхон, Ло-лахон, Дилмурод, Дилҳаёт — кўзларнинг нури, кўнглининг сурури Топволди билан Лидахоннинг ҳаётига кириб келишди.

Мана, энди унинг нақш олмадай юзла-рига йиллар ўз чизигини тортиб, олтин-ранг сочлари қумушга айланганда, фар-зандларининг борлигига, ҳовлисина бо-зорга айлантириб олма қаётган наби-раларининг борлигига шукр қилганча да-рёи умр оқимиға маънос тикилиб ўтириб-ди. Нега маънос дейсизми? Балки Оқсув-нинг сутдай оқ, Куксувнинг шаршарадай шарқироқ тўлқинлари мавжи унга ёшли-гини эслатгандир. Анави арча эса тур-муш ташвишлари бироз букчайтирган она-хонга қизликдаги адл қоматини ёдга со-

Яхшилардан сўз очдик

лаётгандир, яна ким билади дейсиз. Би-ри кам икки дунёда беташвиш одамни-нг ўзи йўқ бўлганидай, кўнглида биров-га айтолмайдиган нелардир бордир...

Қўёш тоғлар орасига кириб кетди. Арчаларга термулганча олис ёшлигини, киндик қони тўкилган тупроқ соғинчини сўзлар билан ифодадай олмай мижжа-ларидан сизган ёшни енг учига артаёт-ган кекса аёл ва тиззасини қўчганча, қорайиб бораётган чўққиларга тикилган муҳбир оқшом бағрига сингиб кетиш-ди. Осмонда юлдузлар жилва қилишар, тулишайтган ой Шоҳимардон чехраси-ни сутга чайгандай оппоқ қилиб юбор-ган эди.

— Буви, ҳаяллаб қолдингиз, хавотир олиб келдим.

Лида холанинг келини — оқ юзли, хушрўй Лолахон бизларга ҳайрон тики-либ турарди. Санаторий ошхонасида хизмат қилувчи Лолахон билан кўз та-нишимиз, қайнонаси орқасидан хавотир олиб келганига суюндим. Демак, бу ои-лада меҳр, оқибат устивор экан. Кек-сайган чоғингда келинлар қиз ўрнини босиб, ташвишини билан яшашлари ҳам катта давлат, нима дедингиз?

Хайрлашаркан-миз, Лида хола ме-ни неварга тўйига тақдир қилди.

— Насиб, кетиб қолмасак кирар-миз.

Шери-дарғоҳ пи-римда тўб тўтиб, палак ёзган украи-н қизи ҳақидаги би-тикларим тугади.

Маффуза
УСМОНОВА
Фарғона



«ТАЪМИНОТЧИ» УШЛАНДИ

Хмелницк вилаетида жойлашган ҳар-бий қисмлардан бирида гиёҳвандлик ав-жига чиққанидан хабар топган Украина Ҳавфсизлик Хизмати ходимлари дарҳол ишга киришдилар. Улар ҳарбий қисмга келганларида ўттизга яқин оддий аскар «дори»нинг таъсирида кўзи сузилиб утир-ган эди. Уларнинг барчаси ва гиёҳванд моддалар билан «беминнат» таъминлаб турган зобит ушланди.

ХУДДИ ЎЗ УЙИДАГИДЕК

Қуйи Новгород вилаетининг Сергач шаҳарчаси хушёрхонаси ўзининг 30 йил-лик юбилейини нишонлади. Хушёрхона бекорга очилмагани дастлабки қуниёқ ис-ботланган эди. Ушанда бу ерда 29 киши «меҳмон» бўлишганди. Умуман, ўтган да-вр ичида хушёрхонага «қадам ранжида

этганлар» сони 50 ми-нг кишидан ошиб кет-ган. Шахсий рекорд ҳам бор. Яъни Н. Па-рамонов деган киши нақ 88 марта хушёрхо-нага тушибди.

УЧАР АВТОМОБИЛ

Ҳиндистоннинг Ма-хараштра штатидаги Пуна шаҳарлик саноат-чи Санжай Сонавани учар автомобилнинг намуна нусхасини яратди. Уни «хеликар» — «вертомобил» деб номлади. АҚШнинг «Женерал моторс» ав-томобил концерни ян-гилик билан қизиқиб қолди. «Вертомобил» нафақат оддий автомо-бил каби юради, бал-ки конструкциясига айрим енгил ўзгарти-ришлар киритилган, ет-миш метр баяндлик-да ўчиши ҳам мумкин.



«КЎЗЛАРИНГДАН ЁШЛАР ОҚДИ...»

Ливаннинг ал-Фаҳх қишлоғилик Хас-на исмли 12 яшар қизча йўллаганида кўзидан шиша парчалари томчилаши ҳа-қидаги хабарни эшитган, мамлакат соғ-лиқни сақлаш вазирлиги мутахассисла-ри уни текшириб қуришди. Қизнинг кў-зидан катталиги мошдек шиша парчаси шаклидаги ёшлар оқибди исботланди. Ле-кин қушни Саудия арабистонилик меди-каларнинг текширувидан кейин қизнинг си-ри фош бўлди. Қизча қушни ишқалаган пайтда шиша ёшларни сездирмай селип қуяр экан. Қизча бу ишга машқур бўлиб кетиш ниятида қўл урганини тан олди.

БАХТЛИ ТЎҚҚИЗЛИК

Хитойда «чунянцзе» — «икки тўққиз-лик қуни» кенг нишонланди. У «Ой тақ-вими» бўйича ҳар йили тўққизинчи ойни-нг тўққизинчи қуни байрам қилинади ва уни «бахтли тўққизлик» байрами дейи-шади. Афсонага қура, эраимиздан аввал-ги 25-220 йилларда дабс' мбнахи Фэй Чанфан ўз шогирдини 9-ойнинг 9-қуни келадиган офатдан оғоҳ этган ва унинг ҳаётини сақлаб қолган экан. Бу йил байрам 20 октябрга тўғри келди.

Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди

Акс-садо

ОРЗУ-ҲАВАС ЭМАС, НАФСУ БАЛО

Мен газетанинг 43-сонига босилган «Гаров» сарлавҳали ҳаётий воқеа юза-сидан ўз фикримни билдирмоқчиман.

Наҳот ўғил-қизларимизнинг бахти тақир-туқуру, латта-путталар билан ўлчан-са. Мен баязи бир оиладаги оналарнинг қизлари учун мол-дунё йиғиб, уларнинг наркуларини оширишлариға қойил қоламан. Унинг урнига, аёллик латофати, шарму ҳаё, одоб-ахлоқ турғисидаги тарбияни йиғсалар, айни муддао бўларди. Ҳозир-ги ёшларимизга яратилаётган шароитларимиз, масалан, шингача етadиган «стен-ка»ларнинг ҳаддан орткилиги ёшларимизни ҳаётга енгил қаратиб қўймаптими-кин. Эр-хотин ишлаб, орзу-ҳавас билан олинадиган нарсалар туйғача муҳайё. Нарсанинг қадрига етиш у ёқда турсин, ҳатто ота-онамиз ҳурматини жойига қўйламаймиз.

Ота-оналар, албатта фарзандларининг бахтли бўлишини истайдилар, аммо ўз орзу-ҳаваслари деб, фарзандларининг бахтсиз қилиб қўйганларини билмай қоладилар.

Мақола мазмунидаги оила ҳам ана шундай ота-оналардир. Мен ҳозирги ота-оналар фарзандлар кўнглига ҳам бироз қўлоқ солишларини истардим. Меним-ча, Аҳмад ака оиласида ота-онани ҳурмат қилиш тарбияси эмас, аксинча ота-онадан қўрқиб тарбияси устун бўлган. Бундай оилада фарзандлар эркин фикр юритиш, мустақил ишга қўл уриш ҳуқуқидан маҳрум. Баъзан бундай оиладаги фарзандлар ота-оналарининг қаҳридан, ўқарлигидан қўрқиб, ўз бахтларига эри-ша олмайдилар. Аҳмад ака ҳам билиб туриб фарзандлар тақдирини гаровга қўйган, фарзандлар бахтини уйламаган, ҳамма нарсани пул билан ўлчаيدиган кўнглининг бемаъни қўчаларига кирган, ўз ўғиллари бахтига зомин бўлган, ду-неқараш паст бир ота тимсолидир. Бундай оталарнинг ҳуқмига қарши чиққан фарзанд тақдирини фожиа билан тугаши ҳам мумкин. Аҳмад ака аксинча, билиб туриб фарзандлар бахтига зомин бўляпти. Ўғилларига инсоф берсин, дея ёқа ушлаймиз, холос...

Менинг жияним узиға тўқ, одам қадрини пул билан ўлчайдиган хонадонга келин бўлиб тушди. Икки ёш 10 ойгина жуда иноқ яшади. Лекин уларнинг ота-оналари бу ширин турмушга заҳар солишди. Жияним 7 ойлик ҳомилиси пайтда улар ажралишди. 2 ойдан сўнг жияним ўғил кўрди. Қонун бўйича бола 1 ёшга тулгандан сўнг суд орқали ажралишди.

Қунар, ойлар, йиллар ўтди... Кўёв бошқага уйланиб, 2 фарзандли ҳам бўл-ди. Лекин жияним турмуш қурмади.

5 йилдан сўнг собиқ кўёв тўсатдан жиянимнинг олдиға келиб, у ота-онаси-нинг қистови билан мажбуран уйланигани, ҳозирги ёлгон ҳаёти ҳақида, жияним-ни ҳали ҳам, яҳи қуришини, узиш ўшай олмаглигини, тез-тез жиянимнинг йу-лини пойлаб, уни қузатиб юрганлигини йиғлаб гапирибди...

Аслида икковлари бир-бирларини севганлари, ҳозирда ҳам шу севги ҳавлида яшашлари рост.

Кейин билсак, кўёвнинг отаси, агар жияним билан учрашганини билиб қол-гудек бўлса, ўз ўғлини оқ қилиши ва ишдан, меросдан воз кечиши ҳақида шарт қўйган экан. 5 йилдан кейинги учрашувдан сўнг эса отаси ҳатто ўғлини калтак-латишга ҳам борди. Ҳозирда жиян кўёвимиз отасидан қўриб яшаётганилиги, кейинги хотинининг ҳам бебахтлиги, норасидаларнинг бегуноҳлиги мени қийнайди.

Майрифат МЕЛИЕВА
Тошкент

Муборак ИСОҚОВА
Андижон

Пазанда маслаҳати

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома ойнама **64654**

Оила ва жамият (нашр номи) Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в. жойи **64654**

Оила ва жамият (нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш Баҳоси Сўм Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

- Картошка ва бошқа сабзавотларни мис пичоқ билан арчсангиз қўлингиз қораймайди.
- Маствага сабзи ва пивэни яхшилаб ёгда қовурсангиз, маства мазали чиқади.
- Салат хушхўр, мазали бўлиши учун, салатни столга қўйиш олдидан бир дона пивэни майдалаб тўграб (қайноқ сувда чайиб) аралаштиринг.
- Картошкани қуруқ ўзини сувда пишираётганда 2-3 дона чеснок, лавр япроги солиб, паст оловда қайнатсангиз мазали бўлади.
- Боршга бир оз лимон кислота ёки шакар солсангиз борш мазали пишади, ранги тиниқлашади.
- Усти қопқоғланадиган эмал кастрюлда нон яхши сақланади.

Кастрюлка ичига бир дона арчилган картошка солиб қўйсангиз, нон сифати бузилмайди.

• Гуручни қайнатиб пишираётганда бир икки томчи сирка солсангиз қозон четлари доғ бўлиб қолмайди, гуруч эзилмайди.

• Пиширилган тайёр тортларни картон каробкада сақлаган маъқул. Агар каробка ичига бир дона олма қўйсангиз торт янада яхши сақланади.

ДАСТУРХОН ТУЗАШ

Дастурхон дид билан ясатилган ва ўтирадиган жой қулай бўлсагина овқатдан лаззат топасиз. Стол атрофига стуллар шундай тизиб қўйилиши керакки, ўтирганларга стулнинг оёқлари халақит бермасин ва бировнинг тирсаги бировга тегадиган бўлмасин. Бунинг учун ҳар ўрин 60-70 см жойни ишғол қилиши лозим. Ёзилган дастурхон доимо озода бўлиши керак. Кир, доғли дастурхон иштаҳани бўғади.

Дастурхонга идиш-товок қўйишда уларнинг ранги дастурхон рангига мос тушишига эътибор бериш керак. Дастурхон ёзишдан олдин столга қалин юмшоқ материал ёйиш керак. Шунда столда (хусусан жило берилган столда) иссиқ овқат солинган идиш доғ қолдирмайди ва тасодифий доғлар пайдо бўлмайди. Столга ёзилган оппоқ дастурхонга ранги чиқмаслиги учун унинг остига ёйиладиган қалин мато ҳам оқ бўлиши керак.

Тантанали зиёфатда столнинг ҳамма юзини қоплаб турадиган қилиб дастурхон ёзилади, дастурхоннинг четлари столдан осилиб тушиб турса, стол жуда чиройли кўринади.

Овқатланиш вақтида фойдаланиладиган идиш ва буюмларнинг ҳаммаси жуда тоза бўлиши лозим. Дастурхонга қўйилган гулдасталар кўнгилларни хушнуд қилади, кўзни қувонтиради. Гулларнинг стол ўртасида туриши шарт эмас. Улар тегишли гулдонларда энг қулай жойларга қўйилади.

Мутахассисларнинг фикрича «Оила ва жамият» газетаси Сизга маънавий озик берувчи, руҳингизни титиклаштирувчи, фарзандларингиз тарбиясига катта ижобий таъсир этувчи газетадир. Ана шулардан келиб чиқиб «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»га обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз.

Газета индекси: Якка обуначилар учун: 64654

Корхоналар учун: 64653

ШАЪРИКЛАЙМИЗ!



Ҳурматли аяжон!

Таваллуд топган кунингиз билан чин юракдан табриклайман.

Сизга узоқ умр келгуси ишларингизда омад тилаб қоламан.

Ҳурмат билан уғлингиз ЮСУФ.

Ҳазон — баргирезон тўкилиб битди,
Асрга татилиб ўтди ҳар унинг.
Муборак қадамлар сўкилиб кетди,
Муборак кунимда, муборак кунинг.

Азиз РУСТАМЖОН ака!

15 ноябр — таваллуд топган кунингиз билан дилдан қутлайман. Сизга чинорлар каби узоқ умр, соғлиқ, фаровон ҳаёт тилайман. Ҳаёт гузаллиги дилингизда гул бўлиб унсин.

МУҲТАРАМ.

НОДИРА опа!

Таваллуд кунингиз қутлғ бўлсин!
Сизни қимматли кунингиз бахти тарқ этмасин.

АФОҚОВлар оиласи номидан
АСРОР, НОЗИМА

Қадри қизимиз
НАРГИЗАХОН!

Сени таваллуд топган кунинг билан қутлаймиз. Соғлиқ-саломатлик, бахт сенга ёр бўлсин.

Ҳурмат билан

Абдураҳмановлар оиласи

ҲИКОЯТХОН, ГЎЗАЛХОН,
АЗИЗЖОНУ ЛОЛАХОН!

Сизларни Саниммуҳаммаднинг эллик ёш таваллуди билан табриклаймиз. Саниммуҳаммадга мустақкам соғлиқ, умри жонига, хизмат фаолиятига файзу барака тилаймиз.
ФАЙЗИЕВЛАР.



Муҳаммад Амин олган сурат

Хусусий эълон

Ҳурматли Абдусаттор Абдувоҳидович

Хошимов (1962 йили январ ойида туғилган).

Сизни севган қизингиз Одинаева Дилфуза

Ражабовна изламоқда.

Телефон: 96-77-89.

Манзилни

тахририятдан

билишингиз мумкин

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

Бадан аъзоларини туш кўриш

Агар тушингизга таниш гўдак кирса — севиначисиз. Мабодо бу бола бегона бўлса — ғамга ботасиз, сизга заифроқ бир душман учрайди. Кимда ким тушида бола қиёфасига кирган кишини кўрса, билинги, у маломатга йулиққай. Агар тушингизда нотава ва қашшоқ кимсага айланиб қолган бўлсангиз — унгиингизда бойлик-фароғатга етишасиз, ва аксинча, тушдаги бойлик мол-мулкнинг қўлдан кетишидир.

Тушингизга қиз кирса — бу айшу роҳат демакдур; ўсмир кўрсангиз, билинги, омад сизга ёр бўлиб, иззат-хурматингиз зиёда бўлғай.

Агар тушга ёш, гўзал аёл кирса, бу бадавлатлик ва роҳат-фароғат белгисидур.

Тушингизга ифбатли, маъсума қиз киргани касбингиздан барака топасиз ҳамда, савдо-сотиқ ишларингиз юришиб кетади, деганидир.

Агар тушда нуруний кишини ёхуд балоғат ёшига етган одамни кўрсангиз, бу яхшилик аломати. Демак, сиз содиқ дуст топасиз.

Мабодо ёш йигит тушида қария кимсага айланиб қолган бўлса, билинги, унинг мартабаси улуг бўлиб, ўзи ахли донишлар сафига қўшилиди, тоабад ғам-андўх юзини кўрмайди.

Агар кекса киши тушида яшариб, йигитлик давридагидек уйнаб-қўлиб юрган бўлса, у саркарда мансабига эришади. Ва аксинча, мабодо бирон сипоҳи ё отлик аскарнинг сочи оқарган бўлса, унинг тепасида турган бошлиқлари билан ораси бузилади. Кайвони хотинларнинг ёш ва лобар бўлиб тушингизга киргани бахтингизнинг кулгани. Агарда бу аёл чимрилиб, қовоғини солиб бокса, рўзгорда қийинчилик тортасиз, бошингиздан ғам-ташвиш ва муҳтожлик кетмай қолади.

Агарда тужжордан қўйлақ сотиб олган бўлсангиз, бир можарога гирифтор бўлғайсиз.

Мабодо тушда сарроф учраса, демак, сиз яхши-ёмоннинг фарқида борадиган закийга айланар экансиз.

Агар кимнинг тушига овчи кирса, у алдамчилик ва ҳийла билан нон топадиган бўлади.

Тушингизга темирчи кирса, баҳайбат, бегона киши олдингиздан чиқади.

Тушда нотаниш қассобни кўргангиз — асроилни кўргангиздир.

Тушингизга даллол кирса — қувонаверинг. Демак, сизга яхши бир раҳнамо одам рўпара бўлади.

Тушингизда бошингиз танангиздан жудо бўлганини кўрсангиз, улуглар қўшидан йироқлаштилади.


Агар тушингизда каллангиз катта бўлиб кўринса, қўлингизга мол-дунё келади, улугликка эришасиз. Каллангизни кичкина ҳолда кўргангиз, эгаллаб турган мансабингиздан айрилгангиздир...

Дейлик тушда бошингиз ёлланган эмиш. Агар ёғ меъёрида бўлса, яхши, мабодо мой ҳаддан зиёда бўлса, ташвишингиз кўпаяди.

Агар одамнинг тушига сочлари қалин ва узун бўлиб кирса ва туш кўрувчи навқирон йигит, аёл ёхуд ҳарбий киши бўлса — яхшилик аломатидир. Демак, бундай одам иззат-хурмат ва бойлик соҳиби бўлиб, узоқ умр куради. Ҳалиги тушни мазкур тоифага тааллуқли бўлмаган кимса кўрса — оқибати вой, боши ғалвадан чиқмайди.

Агар сочингиз тўкилиб кетган бўлсаю, бироқ тепакалга айланмаган бўлсангиз — севиначисиз: қарздан қутуласиз, ғам-ташвишингиз арийди, кўнглингизга хотиржамлик ва фароғат инади.

С. СИБЕВ тайёрлади



— Шу нархда берсанг ҳаммасини ўзим оламан.

АБОНЕМЕНТНИ

ТУҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қондаларга риоя қилиб тўлдириш.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойланинг катакларини ва «ПВ—ЖОИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

Обуна — 97

МУҲАББАТНИНГ МИНГ БИР СИФАТИ

Танглайи маърифат билан кутарилган миллат фарзанди эканимиз лаҳзалари асрларга тенг шу қўтлук кўнларимизда намоён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан турли жабҳаларга эркинлик берилиб, газета-журналлар сони кўпаймоқда. Ҳар бир нашрнинг ўз ихлосманди бор. «Саодат»нинг изловчи, истовчиси, аввало, Аёл. Шу боис журналимиз йил бўйи Аёл кўнглини топпоқ илнжиди меҳнат қилди. Биз «Саодат»нинг 5 китобчасини ой оралатиб, ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилдик. Зиммамиздаги қарз — 1996 йилнинг сўнгги сони ҳам яқин фурсатларда ўз ошёнлари — Аёл кўнглига йўл олади.

«Саодат» ҳар доимгидек кучли дўст бўлиб Аёл ёнида турди. Ўз имкониятларига ишонтаришга, дадил, журъатли бўлишга даъват этди. «Тадбиркорлик калити», «Давр, Қалб, Қиёф» руқнида эълон қилинган туркум мақолаларимиздан хабардор бўлсангиз, бу гапимиз тушунарлироқ бўлади.

«Саодат» доим фикр уйғотувчи, қалбга чироқ тўтувчи нашр бўлиб келган. «Тўхфа» руқнида эълон қилинган насрий асарларимиз, «Муҳаббатнома», «Юрак харитаси» руқнидаги шеърларимиз бугун ҳам журнал ўз аъналарига садоқатли эканини далиллайди.

«Юрт сўраган аёллар», «Соғлом авлод учун», «Қадим бустонлар сабоси», «Муборак оқшом ҳикояти» ... яна қанча-қанча руқ

қиларимиз Аёл хизматида. Биз Аёлни соғлом, бағри бут она, бекам, сийрати, суварати чиройли бека, доно, бахтиёр момо сифатида кўргимиз келади. Қизларимиз миллатимиз гурури бўлиб камолга етса деймиз. Шу истакда бошлаган «Жамиятнинг олтин пойдевори» оила суҳбатимиз давом этади. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукр Холмирзаевларнинг янги асарларидан намуналар, Турсуной Содиқова, Дилбар Ҳамзахужаева каби шоирларимизнинг янги туркумларини муштарийларимизга тақдим этиш орузимиз бор.

Биз 1997 йилда келинчақлар, расида қизлар учун кўпроқ саҳифалар ажратамиз. Ростонбуви, Зийракхонларнинг улар қўлига айтадиган гапларини етказамиз, на-сиб қилса.

«Саодат» эшигидан ҳар куни тилида шеъри борлар, қалбида кўри, кўз қароғида муҳаббат нури борлар саф-саф келади, ҳаммасининг бизга, Сизга айтар сўзи бор — биз уларга ҳам минбар берамиз. Янаги йил «Суд залидан», «Бир хат изидан» руқларимизни ҳам давом эттирмақчимиз.

Хуллас, қийин муҳаббатнинг, ширин муҳаббатнинг минг бир сифати «Саодат»да жам бўлади. Баҳраманд бўлай десангиз, обунага чоғланинг.

Обуна баҳоси бир йилга 168 сўм.

Индекс: 75378.

«Саодат» журнали таҳририяти

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91

Басира САЙИД АЛИ

навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64854

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма 1-0655 2159/ нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табак.